…ади.

…аъминотчи» бензин ёқилгиси махсулотини «Истеъмолчи»га махсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нарх… …ади, бунда корхона устама нархи ва темир йул харажатлари хисобга олинади.

…5. Бензин ёқилгиси махсулотини нархи, темир йул харажатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

## 4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Бензин ёқилгиси махсулотининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмочи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йўрикнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

## 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган махсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши хамда бу махсулот ортиш ва кузатувчи хужжатларида қайд этилиши лозим.

## 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Таъминотчи» бензин ёқилгиси махсулотини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмол»чига мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеняни умумий миқдори етказиб берилмаган бензин ёкилгиси махсулоти қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни бензин ёқилгиси махсулотини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ва хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган бензин ёқилгиси махсулоти етказиб берилганда «Истеъмолчи» бензин ёқилгиси махсулотини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган бензин махсулоти қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар махсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш хуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган бензин ёкилгиси махсулоти етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва бензин махсулотини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи» нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи» га олинмаган махсулотининг умумий қийматини 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бензин ёқилгиси махсулоти тўлиқ олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, махсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга хақли. бунда у мазкур махсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4.Етказиб берилган сиқилган газ (метан) ёкилгиси махсулоти тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган Тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги конунга биноан қўлланилади.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси хамда Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорининг 6- бандига асосан бюджет ташкилотларининг товар ( ишлар,хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалар,шунингдек бюртмачилварнинг давлат бюджети маблаглари хисобига капитал курилишга оид шартномаларни мажбурий тартибда газначиликка руйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарга тутилган. Шартнома тегишли туртибда газначилик булими руйхатидан утказилгандан сунг конуний кучга киради ва 2021 йил « 31 » декабрь гача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқаролик Кодекс ива «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга амалга қилган холда тартибга келтирилади.

## 9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

9.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судлари томонидан хал қилинади.

9.2. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина хақиқий ҳисобланади.